

## «ОРИЕНТ ФИНАНС» ХАТБ нинг миллий валютадаги корпоратив пластик карталарга хизмат кўрсатиш бўйича Қўшилиш Шартномаси

«ОРИЕНТ ФИНАНС» ХАТБ, кейинги ўринларда Банк деб номланади, бир томондан, ва Ташкилотнинг вакили корпоратив пластик картасини очиш бўйича Қўшилиш шартномасига қўшилиш тўғрисида Ариза (кейинги ўринларда - Ариза) бериш орқали қабул қилиш истагини билдирувчи Ташкилот, кейинги ўринларда Корхона деб аталувчи, иккинчи томондан, мазкур шартномани қўйидагилар ҳақида туздилар:

### ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу шартнома, Банк ва Ташкилот ўртасидаги Банк томонидан берилган корпоратив пластик карталар (бундан бўён матнда Карталар деб юритилади) ёрдамида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича муносабатларни тартибга солади.

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 360-моддасида белгиланган тартибда Корхонанинг Шартномага қўшилиш шаклида тузилади.

Корхона томонидан Аризани тўлдирилиши ва имзоланиши Корхонанинг Шартноманинг шартларини тўлиқ ва ҳеч қандай қўшимча шартларсиз қабул қилганлигини тасдиқлади. Аризани имзолаш вақтида Корхона томонидан Шартнома шартларини ўзгартириш учун қўйилган ҳар қандай қўшимча шартлар юридик кучга эга эмас.

Ушбу Шартнома, «ОРИЕНТ ФИНАНС» ХАТБ нинг миллий валютадаги корпоратив пластик карталарга хизмат кўрсатиш бўйича, Банк ва Корхона ўртасидаги муносабатларни тартибга солади.

Тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришдан аввал Корхонага Шартнома матни ва Банк Тарифлари билан танишиб чиқиши ҳуқуқи берилади. Корхона Шартнома матнининг чоп этилган бир нусхасини олиш ҳуқуқига эга.

### 1. ТУШУНЧАЛАР

<b>Карта</b>	Банк томонидан чиқарилган сўм корпоратив пластик карта. Карта банкнинг мулки ҳисобланади ва Банк томонидан Ташкилотга вақтинчалик фойдаланиш учун тақдим этилади.
<b>Фойдаланувчи</b>	Картадан фойдаланиш орқали амалиётларни бажаришга Ташкилот томонидан ваколатланган жисмоний шахс (ташкилот ходими).
<b>МКСКХ</b>	Карта буйича ўзаро ҳисоб-китоблар учун Ташкилот Банки томонидан очилган маҳсус корпоратив сўм карта ҳисобварағи
<b>Терминал</b>	товар ва хизматлар учун Карта орқали ҳисоб-китоблар амалга ошириш, шунингдек, Карта Эгасига сўралган маълумотларни тақдим этиш учун фойдаланиладиган қурилма
<b>Корхона</b>	Ўзбекистон Республикаси худудида товар ёки хизматлар учун Ташкилот билан ўзаро ҳисоб-китобларни ўтказиш воситаси сифатида Карталарни қабул қилувчи ҳар қандай юридик шахс
<b>ПИН кодлар</b>	Карта ёрдамида Фойдаланувчи томонидан амалиётларни бажариш учун қонуний ҳуқуқни тасдиқлаш ҳамда Картада сақланаётган маълумотларга киришни чеклаш учун мўлжалланган маҳсус кодлар. ПИН кодлар маҳфий ахборот ҳисобланади ва у сир сақланиши керак. Ташкилот ПИН кодларнинг хавфсизлиги ва уларни Фойдаланувчиларга бериш учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.
<b>Квитанция</b>	Карта орқали Фойдаланувчи томонидан амалга оширилган

<b>(слип)</b>	амалиётларнинг тасдиги сифатида Терминал томонидан чоп этилган чек (товар ва хизматлар учун тўлов)
<b>Қайтариш</b>	Корхона томонидан маъқулланган товар ва хизматлар Карта ёрдамида харид қилингандардан Ташкилотнинг бекор қилиши оқибатида ва ташкилотнинг МКСКХни кредитлаш учун Банк томонидан белгиланган шаклда Корхона томонидан амалга ошириувчи ҳар қандай пул маблағларининг қайтарилиши. Маблағни қайтаришни нақд шаклда амалга ошириб бўлмайди.
<b>Стоп лист</b>	Картанинг йўқолиши ёки шикастланиши туфайли Ташкилотнинг расмий сўровидан кейин Банк томонидан амалиётлар таъқиқланадиган Карталар рўйхати. Ташкилот Банк томонидан белгиланган қоидаларга мувофиқ ариза беради.
<b>UZCARD/HUMO тўлов тизимлари йўриқномаси</b>	Картага хизмат қўрсатиш бўйича Банк томонидан Ташкилотга хизмат қўрсатиш бўйича Карта ва бошқа ускуналардан фойдаланиш жараёни ва қоидаларини тавсифловчи ҳужжат. Банк ва Ташкилот Йўриқномага амал қилишга мажбурдирлар.
<b>Тариф</b>	Ташкилот ёки Корхона томонидан Карта ёрдамида амалиётларни амалга оширишда Банк фойдасига тўланадиган комиссия тўлови. Банк Тарифни мустақил белгилаш ҳуқуқига эга.
<b>МБПМ</b>	БТТ (Банклараро тўлов тизими) да иштирок этувчи банклар билан шартномавий муносабатларга эга бўлган микропроцессор карталаридан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимининг иштирокчилари ўртасида ўзаро ахборот клиринг транзакцияларни амалга оширадиган «Milliy Banklararo Protsessing Markazi» МЧЖ, (МБПМ, HUMO)
<b>ЯУПМ</b>	БТТ (Банклараро тўлов тизими) да иштирок этувчи банклар билан шартномавий муносабатларга эга бўлган микропроцессор карталаридан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимининг иштирокчилари ўртасида ўзаро ахборот клиринг транзакцияларни амалга оширадиган "Ягона Умумреспублика Процессинг Маркази" МЧЖ (ЯУПМ, UZCARD).
<b>Шартнома</b>	Қуйидаги ҳужжатлар мажмуи: мазкур шартнома, мазкур шартномага қўшилиш учун Ариза ва тегишли йўриқномалар.
<b>Шартномага қўшилиш бўйича Ариза (Ариза)</b>	Ташкилотнинг миллий валютадаги корпоратив пластик карталарга хизмат қўрсатиш тўғрисидаги шартномага қўшилишга хоҳиш билдирганligини акс эттирувчи ҳужжат.

## 2. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

- 2.1. Картани олиш учун Ташкилот Банқда сўмда талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисобварагига эга бўлиши керак.
- 2.2. Банк Ташкилотдан Картани чиқариш учун Аризага асосан 10 (үн) иш куни ичida Ташкилот учун МКСКХ очади, Картани тайёрлайди ва уни тегишли тарзда расмийлаштирилган ишончнома асосида ПИН кодлар билан бирга Ташкилот вакилига тақдим этади. Корпоратив пластик картанинг амал қилиш муддати берилган кундан бошлаб 5 йил.
- 2.3. Банк UZCARD EMV ва HUMO (онлайн амалиётлар) тизимларнинг пластик карталарига хизмат қўрсатишни амалга оширади.
- 2.4. Ташкилот ва фойдаланувчи/чилар ўртасидаги муносабатлар Ташкилотнинг ички ҳужжатлари асосида тартибга солинади.
- 2.5. Карта Ўзбекистон Республикаси худудидаги Корхоналар билан товар ёки хизматлар учун нақдсиз тўловлар учун, шунингдек, МКСКХ га маблағларни ўtkазиш учун фойдаланилади. Картадан иш ҳақи ва бошқа ижтимоий нафақалар тўлаш,

шунингдек, нақд пул олиш учун фойдаланиш ҳамда чет эл валютасини сотиб олиш тақиқланади. Шунингдек, юридик шахслар томонидан аукцион савдоларида иштирок этиб, харидларни амалга ошириш учун корпоратив банк картасидан фойдаланиш таъқиқланади.

- 2.6. Юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси худудида фаолият юритиш, шу жумладан давлат божи ва йигимларни тўлаш билан боғлиқ харажатларни фақат миллий валютадаги корпоратив банк карталаридан фойдаланган ҳолда амалга оширишлари мумкин.
- 2.7. Банк Картанинг МКСКҲдаги қолдиқ маблағларига фоиз тўламайди.
- 2.8. Банк Карта ва МКСКҲ очиш учун Банк тарифига асосан тўловларни ундиради.
- 2.9. Банк МКСКҲга маблағларни ўтказиш учун комиссия ундиради. Комиссия Банкнинг жорий Тарифига биноан ўтказилган суммадан олинади.
- 2.10. Ташкилот исталган талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварагидан (23102) транзит ҳисобварагига МСКҲ га туширилиши лозим бўлган пул маблағларини ўтказади.
- 2.11. Карта амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, алмаштирилганда, мижоз бошқа банкка ўтганда ёки Банкнинг расмий талабига кўра Банкка қайтарилиши шарт.
- 2.12. Карта чиқаришда Ташкилот лозим бўлган маблағни МКСКҲга ўтказади.
- 2.13. Картани ёпиш Ташкилотнинг ёзма аризаси асосида амалга оширилади.
- 2.14. Банк йўқотилган ёки ўғирланган Картани Ташкилот томонидан йўқотилганлиги тўғрисида ёзма ариза тақдим этилган кундан бошлаб 20 банк иш куни мобайнида янгисига алмаштириб беради.
- 2.15. МКСКҲ га хизмат кўрсатиш дебет схемаси бўйича амалга оширилади.
- 2.16. Мазкур шартномага мувофиқ барча ҳисоб-китоблар сўмда амалга оширилади.
- 2.17. Банк Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, тўлов тизимлари қоидлари, мазкур Шартнома шартлари ва Банкнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ МКСКҲ/Картага хизмат кўрсатади.
- 2.18. Ташкилот амалдаги қонунчилик, мазкур Шартнома шартлари, жорий Тарифларга мувофиқ Карта/МКСКҲ бўйича амалга оширилган барча амалиётлар бўйича, шу жумладан Банкнинг барча комиссия ва тўлов маблағлари, Банк олдидағи қарздорликлари, жарима санкциялари ва бошқа маблағларини МКСКҲда мавжуд пул маблағларидан ечиб олиш учун Ташкилотнинг қўшимча фармойиши ва розилигисиз Банкка шартсиз ва қайтарилмас ҳуқуқ беришга розилик беради (олдиндан берилган акцепт).
- 2.19. Банк Фойдаланувчи томонидан Картадан фойдаланиш билан боғлиқ хар бир амалиёт бажарилганида, амалиётлар тўғрисида SMS-хабар орқали Ташкилотни хабардор қиласи. Картадан фойдаланиш билан боғлиқ амалиётлар тўғрисида хабардор қилиш учун комиссияни ундириш миқдори ва тартиби Банк Тарифларида белгиланади.
- 2.20. Бунда, Ташкилот SMS-хабар орқали хабардор бўлиш учун Банкка мобил телефон рақамини Аризада тақдим этиши шарт. Ташкилот Банкка тегишли ариза тақдим этиш орқали исталган вақтда SMS-хабар хизматини (SMS-банкинг) ёқиш/ўчириш/ўзгартириш ҳуқуқига эга.
- 2.21. Ташкилот ўзининг мобил телефон рақамини тақдим этишини ва SMS-хабар хизматидан фойдаланишни рад этиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолларда Ташкилот ҳар куни Банкнинг иш кунларида ваколатли вакил томонидан шахсан Банкка мурожаат қилиш ёрдамида МКСКҲ бўйича ҳисботларни олиш ҳуқуқига эга.

### **3. БАНК МАЖБУРИЯТЛАРИ**

- 3.1. Банк қуидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:
  - 3.1.1. Картани беришда Фойдаланувчи/чиларни Картадан фойдаланиш бўйича Йўриқнома, шу жумладан ундан фойдаланиш шартлари ва хавфсизлик чоралари ҳамда Банкнинг Тарифлари билан таништириш;
  - 3.1.2. Карта ёрдамида амалга оширилган барча амалиётлар бўйича, МКСКҲдаги қолдиқ маблағни камайтириш ҳамда Картадан амалга оширилган амалиётлар учун Банк

- Тарифига биноан Банк комиссия тўловларини бўйича Ташкилот МКСКХни дебетлаш (ешиб олиш);
- 3.1.3. МКСКХдаги барча нақдиз пул ўтказмалар қийматига МКСКХни кредитлаш (тушириш);
  - 3.1.4. жорий Банк Тарифлари бўйича белгиланган тўлов асосида, Ташкилот талабига асосан Картадан фойдаланган ҳолда МКСКХдан тўлов ҳисоботи билан боғлиқ маълумотларни тақдим этиш;
  - 3.1.5. банк картасининг йўқолиши ва (ёки) банк картасидан рухсатсиз фойдаланиш тўғрисида кечаю-кундуз хабар бериш имкониятини таъминлаш;
  - 3.1.6. йўқолганлик (ўғирлик, тушириб қўйиш ва бошқалар) ва (ёки) Картадан рухсатсиз фойдаланиш ҳақида Ташкилотнинг аризаси/мурожаати олинган пайтдан бошлаб, Карта бўйича хизматни дарҳол тўхтатиш/якунлаш ва Картани блокировка қилиш;
  - 3.1.7. жорий Тарифларда кўзда тутилган Картадан фойдаланиш ва ҳисоблаш технологияси масалалари бўйича маслаҳатларни Ташкилотга тақдим этиш;
  - 3.1.8. Тарифлар, шунингдек, Карталар бўйича хизмат кўрсатиш шартлари ва тартиби ўзгарган тақдирда, Банкнинг расмий веб-сайтида ушбу ўзгаришлар киритилишидан камида 10 кун олдин маълумот жойлаштириб, Ташкилотни хабардор қилиш ([www.ofb.uz](http://www.ofb.uz));
  - 3.1.9. ушбу Шартнома бекор қилингандан сўнг, қонун хужжатлари ва мазкур Шартномада белгиланган тартибда МКСКХ даги қолдиқ пул маблағларини Карта эгасига қайтариш;
  - 3.1.10. Ташкилот тегишли бўлган Банк сирини ташкил этувчи барча маълумотларнинг маҳфийлигини кафолатлаш;
  - 3.1.11. Картага хизмат кўрсатиш учун ундириладиган комиссия миқдори ва тартиби, уни тўламаган тақдирда қарздорликни ҳисоблашни Ташкилотга хабардор қилиш ҳамда мазкур Шартномада кўрсатилган тартибда Картасига хизмат кўрсатилганлиги учун комиссия тўловини амалда содир этилганлик тасдиқланишини Ташкилотга тақдим этишни таъминлаш.

#### **4. ТАШКИЛОТ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

- 4.1. Ташкилот қуидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:
  - 4.1.1. амалдаги қонунчилик, мазкур Шартнома ва Картадан фойдаланиш бўйича Йўриқнома (шартлари ва хавфсизлик чоралари), UZCARD/HUMO Йўриқномасига мувофиқ Картадан фойдаланиш, МКСКХ бўйича амалга оширган барча амалиётлар бўйича масъулиятни зиммасига олиш;
  - 4.1.2. мазкур Шартноманинг шартларини бажариш ва Фойдаланувчи томонидан бажарилишини таъминлаш;
  - 4.1.3. мазкур Шартнома шартлари ва Карталардан фойдаланиш бўйича Йўриқнома (хавфсизлик шартлари ва чоралари), UZCARD/HUMO йўриқномалари билан Фойдаланувчиларни таништириш.
  - 4.1.4. Картадан МКСКХда маблағлар қолдиғи доирасида унинг амал қилиш муддати давомида фойдаланиш;
  - 4.1.5. Картани қабул қилиб олинганидан сўнг мажбурий тартибда ПИН кодни ўзгартириш;
  - 4.1.6. ПИН кодни Ташкилотнинг молиявий ва тижорат сирлари даражасида сир сақлаш;
  - 4.1.7. Банкнинг жорий Тарифларига биноан Карта ёрдамида амалга оширилган барча амалиётлар учун комиссия тўловларни тўлаш;
  - 4.1.8. Ташкилот ва Фойдаланувчилар томонидан мазкур Шартнома бузилиши билан боғлиқ ҳамда Шартномага ва шартноманинг 1-Иловасига мувофиқ Йўриқномага риоя этмаслиқдан келиб чиқсан барча харажатларни қоплаш;
  - 4.1.9. Картани йўқотиш (ўғирлаш) ва / ёки картадан рухсатиз фойдаланиш, ҳамда учинчи шаҳсга ПИН-код маълум бўлса ва Картани блоклаш ҳаракатлари амалга ошириладиган бўлса, дарҳол телефон орқали Банкни, шу жумладан Банк Контакт-марказни хабардор қилиш;
  - 4.1.10. ушбу Шартномани бекор бўлганда, Ташкилот ёпилганда ва унинг фаолияти тутатилганда, бошқа банкка ўтилганда, ҳамда Банкнинг биринчи талаби бўйича Картани Банкка ишлайдиган ҳолда қайтариш, МКСКХни ёпиш. Агар Карта йўқолиши

- ва/ёки шикастланиши оқибатида қайтариб бериш мүмкін бўлмаса, Банкнинг жорий Тарифи бўйича жаримани тўлаш;
- 4.1.11. Ташкилот ҳисоб раками 2-Картотекага тушиши туфайли пластик картадан маблағларни қайтариш;
- 4.1.12. Картани чиқариш/МКСКХни очиш тўғрисидаги аризада кўрсатилган маълумотларга тегишли барча ўзгаришлар тўғрисида (манзил, Фойдаланувчилар ФИШ, телефон рақамлари ва бошқа реквизитлар), шундай ўзгаришлар пайдо бўлган пайтдан бошлаб 5 (Беш) иш куни давомида Банкни ёзма равища хабардор қилиш. Мазкур бандда кўрсатилган маълумотларни Банкка тақдим этмаслик ёки кечиктириб тақдим этиш натижасида келиб чиқадиган барча хавфлар Ташкилотга юкланади.

## 5. БАНК ҲУҚУҚЛАРИ

- 5.1. Банк қуидаги ҳуқуқларга эга:
- 5.1.1. зарурат туғилганда, Картани тақдим этишни талаб қилиш ва Ташкилотдан олиб қуийш, бунда мўлжалланаётган олиб қуийш санасидан 3 кундан кам бўлмаган муддатда хабардор қилиш ва ўрнига бошқасини бериш;
- 5.1.2. хавфсизлик мақсадида Картани вақтинча блоклаш;
- 5.1.3. картадан бир кунда ёки бир ойда максимал ечиб олиш мүмкін бўлган нақд пул миқдори лимитини мустақил равища белгилаш;
- 5.1.4. мазкур Шартномани Ташкилот ёки Фойдаланувчи томонидан бузиш билан боғлиқ барча қарздорликлар ва барча ҳаражатларни Ташкилотдан Банкка тўлаб беришни талаб этиш;
- 5.1.5. Картадан фойдаланиш тартиби, мазкур Шартнома шартлари Карта эгаси томонидан бузилганда Карта эгасидан олинган хабарнома/ариза ёки ўзининг ташаббуси асосида Картадан фойдаланишни тўхтатиш ёки тугатиш.
- 5.1.6. амалдаги қонунчилиқда белгиланган ҳолларда Картадан фойдаланиш билан боғлиқ амалиётларни амалга оширишни тугатиш ёки чегаралаш.
- 5.1.7. Банк қуидаги ҳолатларда банк картаси орқали операциялар ўтказишни вақтинча тўхтатиб қуийш ҳамда банк картасини муомаладан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиши мүмкін:
- банк картаси ёки унинг реквизитларидан ноқонуний фойдаланишни тасдиқловчи ҳолатлар мавжудлигига;
  - банк картасидан фойдаланиш ваколатига эга бўлмаган шахслар томонидан ишлатилганда;
  - банк карталаридан фойдаланиш тўғрисидаги шартномада кўрсатилган бошқа ҳолатларда;
  - қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.
- 5.1.8. Мижоз бир банк картасидан иккинчисига кунига 5 дан ортиқ транзакцияни амалга оширган ҳолларда, агар транзакция суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 бараварига тенг ёки ундан ортиқ бўлса, Банк карта бўйича операцияларни бир томонлама тартибда уч иш куни давомида тўхтатиб қуийш ҳуқуқига эга.

## 6. ТАШКИЛОТ ҲУҚУҚЛАРИ

- 6.1. Ташкилот қуидаги ҳуқуқларга эга:
- 6.1.1. Нақдсиз шаклда МКСКХ қолдиги тўлдиришини амалга ошириш;
- 6.1.2. Мазкур шартномага мувофиқ ҳамда Банк йўриқномаларида кўрсатилган бошқа ҳаракатлар натижасида Карта вақтинчалик блокланганда фаоллаштириш (авторизация)ни бажариш;
- 6.1.3. Банк Тарифига биноан тўлов асосида ўзининг Картасидан фойдаланиш билан амалга оширилган барча Амалиётлар ва МКСКХ ҳолати бўйича маълумотларни олиш;
- 6.1.4. Хавфсизлик мақсадида Банк ускуналари (терминаллар, банкоматлар, ахборот киоскалари) дан фойдаланиб Картанинг ПИН кодини ўзgartириш;

- 6.1.5. Ўрнатилган тартибда амалга оширилган амалиётлар бўйича МКСКХнинг ҳисоботига эътирози бўлса ва/ёки амалга оширилган амалиётлар бўйича низоли масалалар бўйича ёзма эътиroz тақдим этиш;
- 6.1.6. Карта йўқотилган (ўғирланган) ёки амал қилиш муддати тугаган тақдирда қайта расмийлаштириш учун Банкка тегишли ариза билан мурожаат қилиш;
- 6.1.7. Карта фаолиятини тўхтатиб туриш (блоклаш) ёки муддатидан олдин бекор қилиш ёки Банкка тегишли ёзма ариза бериш йўли билан Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш.
- 6.2. Ташкилот амалга оширилган амалиётлар тўғрисидаги маълумотларни Корхоналардан олингунга қадар Банқдан тўловни қайтаришни талаб қилишга ҳақли эмас.

## **7. КОМИССИЯ ТЎЛОВЛАРИ**

- 7.1. Банк Ташкилотдан Банкнинг амалдаги Тарифларига кўра комиссия тўловларини ундиради.
- 7.2. МКСКХга маблағларни тушириш учун комиссия тўловлари Банк томонидан Фуқаролик кодексининг 783-моддасига мувофиқ Мижознинг розилигисиз мустақил равища Банкка тегишли қийматда мемориал ордер орқали 23102 транзит ҳисобидан амалга оширилади.
- 7.3. МКСКХни очиш/Картани чиқариш учун комиссия тўлови 45294 ҳисоб рақамига алоҳида тўлов топшириқномаси билан бирга амалга оширилади.

## **8. ТОМОНЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТЛАРИ**

- 8.1. Банк, Карта йўқотилиши (ўғирланиши) ва бу ҳақда Банкка хабарнома/ариза тушишдан аввал бирон шахс томонидан амалга оширилган ҳар қандай молиявий йўқотишлиар ва амалиётлар (транзакциялар) бўйича ва (ёки) Картадан рухсатсиз фойдаланиш ҳамда ПИН-код учинчи шахсга маълум бўлганда масъулиятни ўз зиммасига олмайди.
- 8.2. Банк бошқа ташкилотлар (ЯУПМ ёки МБПМ) айби билан UZCARD EMV ва HUMO тўлов тизимларининг иш фаолиятида узилишлар бўйича масъулиятни ўз зиммасига олмайди.
- 8.3. Банк қуидаги ҳолларда банк картасидан рухсатсиз фойдаланиш натижасида йўқотилган пул маблағларини қоплашга масъулиятни ўз зиммасига олмайди ва рад этади:
  - мазкур Шартномада кўрсатилган Картадан ҳавфсиз фойдаланиш чораларига Ташкилот томонидан риоя этилмаганда;
  - Картадан фойдаланилган ҳолда Ташкилот томонидан жиноят (ноқонуний ҳаракатлар) содир этишда иштироки амалда аниқланганда.
- 8.4. Банк Картани йўқотиш (ўғирлаш) ва (ёки) Картадан рухсатсиз фойдаланиш ҳақида хабарнома олганидан сўнг Банк картасидан рухсатсиз фойдаланиш учун масъулиятни ўз зиммасига олади.
- 8.5. Шартнома бўйича ахборотнинг махфийлигини таъминлаш учун ҳам Ташкилот, ҳам Банк масъул ҳисобланишади.
- 8.6. Томонлардан бири ушбу Шартномани бажаришда амалдаги қонунчилик ва ҳуқуқий актларни бузса, иккинчи томон бунга жавобгар ҳисобланмайди.
- 8.7. Томонларнинг мазкур Шартномада назарда тутилмаган ҳолларда жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

## **9. МКСКХ БЎЙИЧА КОМПЛАЕНС ЧОРАЛАР**

- 9.1. Ташкилот ҳисобрақам очишда қуидагиларни тасдиқлайди ва кафолатлайди:
  - 9.1.1. Шартнома бўйича Банк ўзининг бошқа ҳуқуқларига қўшимча равища Ташкилотнинг транзакцияларини амалга оширишни кечиктириши ва қўшимча равища текшириш ҳуқуқига эгалигини Ташкилот тан олади;
  - 9.1.2. Банк амалга оширилаётган транзакцияни (пул маблағларининг келиб чиқиш манбаси, транзакциянинг қонунийлиги ва асослилиги ва бошқалар) тўлиқ ўрганиш учун

Ташкилотга сўровнома юборишга ҳақли, ўз навбатида Ташкилот қисқа муддат ичидагарча маълумот ва ҳужжатларни тақдим этиш мажбуриятини ўз зиммасига олади;

9.1.3. Банк амалга оширилаётган транзакциаялар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ёки иқтисодий санкциялар билан боғлиқ қонун ва қоидаларни бузиши мумкинлигини белгилайди.

9.2. Банк қуидаги ҳолатларда Ташкилот томонидан амалга оширилаётган транзакцияни тўхтатиб қўяди:

9.2.1. агар Ташкилот картасининг транзакцияси Банк томонидан қўшимча ўрганилиши учун зарурат юзага келганда;

9.2.2. агар Ташкилот картасининг транзакцияси халқаро иқтисодий ва молиявий санкциялар доирасига кирса;

9.2.3. агар Ташкилот картасининг транзакцияси санкцияларни четлаб ўтиш мақсадида амалга оширилган бўлса;

9.2.4. агар транзакция Банкнинг фикрига кўра шубҳали деб ҳисобланса ва/ёки ҳукумат, халқаро иқтисодий ва молиявий санкцияларни четлаб ўтиш белгиларига эга бўлса.

9.3. Агар Ташкилот томонидан амалга ошиralаётган транзакция Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва Банкнинг ички қоидаларини бузмаётганлиги Банк томонидан белгиланса, шунингдек, мазкур транзакциялар иқтисодий санкцияларга тушмаса (уларни четлаб ўтиш йўллари бўлмаса), Банк транзакцияларни амалга ошириш учун аввал ўрнатилган вақтинчалиқ чекловни бекор қиласди.

9.4. Агар Банк томонидан Ташкилотнинг ҳисоб рақами ноқонуний транзакцияларни амалга ошириш мақсадида фойдаланилаётганлиги ёки фойдаланиши мумкинлиги аниқланса, шунингдек, мазкур транзакция Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Банк ички қоидалари, ҳамда даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш қонунчилигини бузса, шунингдек, иқтисодий санкцияларга тушиб қолса, Банк мазкур транзакцияни бир томонлама тўхтатиб қўиши ва Ташкилотнинг кўрсатилган манзилига хабарнома жўнатиб, ҳисобрақамига банд солиш ҳукуқига эга.

9.5. Ташкилот ҳисобрақамига Банк томонидан банд солингандан сўнг, 30 календар кун ичидаги Ташкилот ҳисобрақамни ёпиш ва шартномани бекор қилиш бўйича Банкка ариза топшириши керак.

9.6. Ташкилот банк ҳисобрақами очиш жараёнида тақдим этилган манзилга Шартномани бир томонлама бекор қилиш тўғрисида огоҳлантириш юборилган санадан 30 календар кун ўтгандан сўнг, Шартнома бекор қилинган деб топилади, бунда Ташкилот томонидан банк ҳисобрақамини ёпишга ариза топширилиши таълаб этилмайди.

## 10. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАР

10.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар, уларнинг ишонган шаҳслари, ходимлари ёки воситачилари ҳар қандай қонунга зид устунлик ёки бошқа ноқонуний мақсадларни олиш учун ушбу шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ёки қарорларига таъсир қилиш учун ҳар қандай пул маблағлари ёки қимматбаҳо буюмларни бевосита ёки билвосита тўлашни таклиф қилмайди.

10.2. Мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини Томонлар, уларнинг ишонган шаҳслари, ходимлари ёки воситачилари бажаришда пора бериш/олиш, тижорат порахўрлик, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатлари ва жиноят тушумларини легаллаштиришга қарши халқаро ҳаракатлар сифатида қонун ҳужжатлари талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайди.

10.3. Мазкур Шартноманинг ҳар бир Томони бошқа Томон ходимларини ҳар қандай шаклда, шу жумладан рағбатлантирувчи Томон фойдасига бирон-бир ҳаракатни ушбу ходим томонидан бажарилишини таъминлашга қаратилган ва ходимни маълум

боғлиқликка қаратилған пул, совғалар, уларни ишлар (хизматлар) ни бепул ижро этиш ва бошқа йўллар орқали рағбатлантиришни рад этади.

- 10.4. Агар Томонларда ҳар қандай коррупцияга қарши шартларнинг бузилиши содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилинса, тегишли Томон бошқа Томонни ёзма ёки ишонч телефони орқали оғзаки равишда хабардор қилиш мажбуриятини олади.
- 10.5. Томонлар ўзларининг эҳтимолий ноқонуний ҳаракатлари ва мазкур Шартноманинг коррупцияга қарши шартларини бузишлари Шартномани бекор қилинишига олиб келиши мумкинлигини тан олади.
- 10.6. Томонлар ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши шартларини амалга ошириш билан боғлиқ тўлиқ маҳфийликни кафолатлайди.

## **11. МАХФИЙЛИК**

- 11.1. Банк ва Ташкилот томонидан Шартнома предмети билан боғлиқ бир-бирига тақдим этилган маълумотлар маҳфий ҳисобланади. Томонлар томонидан олинган маълумотларнинг учинчи шахсларга ошкор этилишининг олдини олиш учун барча зарур ва етарли чораларни кўрадилар.
- 11.2. Кarta эгаси, Банк каби мазкур Шартнома доирасида банк сири ва ахбороти хавфсизлиги учун масъул ҳисобланишади.

## **12. ФОРС-МАЖОР**

- 12.1. Томонлар, агар давлат бошқарув ва назорат органлари, хамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан чеклов-таъқиқловчи тусдаги ҳужжатлар/чоралар қабул қилиниши ёки уруш, зилзила, ёнғин, намойишлар ёки бошқа оғатлар (Томонларнинг айби билан бўлмаган, аммо улар томонидан мажбуриятларни бажаришга таъсир этувчи техниканинг ишдан тўхташи, дастурий таъминот, электр таъминоти ва маълумотларни узатиш тизимида содир бўлган узилишлар) каби енгиб бўлмайдиган кучлар ва агар ваколатли давлат органи томонидан ёзма равишда тасдиқланган бўлса, Томонлар унга таъсир ўтказолмайдиган ҳолатлар туфайли бажарилмаган ўз мажбуриятлари учун масъулиятни ўз зиммасига олмайди. Томонлар бундай енгиб бўлмас куч таъсири ҳолатлари каби таъсирнинг бошланиши ва якунланиши тўғрисида Томонлар дарҳол ёзма хабар беришлари шарт.
- 12.2. Ваколатли орган томонидан қонунчиликда ўрнатилған тартибда енгиб бўлмас куч ҳолатлари тасдиқланганида форс-мажор ҳисобланади.

## **13. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ**

- 13.1. МКСКҲ бўйича ҳисоботи билан рози бўлмаганда ёки Картадан фойдаланиш билан амалга оширилган тўловлар бўйича низоли саволлар/низолар юзага келганда, Кarta эгаси Банк манзилига ёзма ариза/эътиrozлар билан мурожаат этади. Аризада сана, Кarta эгаси ФИШ, паспорт маълумотлари, яшаш жойи манзили ва алоқа телефони рақами, савол/низо предмети (мазмуни) ва Кarta эгаси имзоси кўрсатилади. Аризага асосланган ҳужжатлар нусхалари илова қилиниши лозим (слип, чеклар, кўчирма ва бошқалар).
- 13.2. Банк Кarta эгаси аризасини, у келиб тушган кундан бошлаб 15 (үн беш) кун давомида кўриб чиқади. Аризани кўриб чиқиш учун текширишлар, қўшимча материаллар талаб қилиш ёки аризани кўриб чиқиш учун бошқа чоралар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уни кўриб чиқиш муддати узайтирилиши мумкин, аммо муддат 30 (ўттиз) кундан ортиқ бўлмаслиги ва бу тўғрисида Кarta эгаси хабардор этилиши керак.
- 13.3. Мазкур Шартномани Томонлар томонидан бажарилиш жараёнида юзага келувчи барча низолар ўзаро мақбул ечимга эришиш учун музокаралар йўли билан кўриб чиқилади, Томонлар ўзаро қелишувга эришмаса, низо Кarta эгасига хизмат кўрсатувчи Банк филиали жойлашган ҳудуддаги ваколатли судга тақдим этилади.

## **14.ШАРТНОМА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ, УНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

- 14.1. Мазкур Шартнома Томонлар томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва Томонлардан бири уни бекор қилиш истагини билдиргунга қадар муддатсиз амал қиласди.
- 14.2. Қуйидаги шартларда Шартномани бекор қилиш санасидан 10 кун аввал бошқа томонни ёзма хабардор қилиш шарти асосида томонлардан бирининг ташаббуси билан Шартнома бекор қилиниши мумкин:
  - Банк томонидан Ташкилотга берилган барча Карталар иш ҳолатида қайтарилиганда;
  - мазкур Шартнома бўйича Ташкилот Банкнинг олдидағи барча мажбуриятларини бажаргандা;
  - Ташкилотнинг Банк олдида қарздорлиги мавжуд бўлмаганда;
- 14.3. Шартномага киритилган барча шартлар ва қўшимчалар Шартноманинг ажралмас ҳисобланади.
- 14.4. Эълон қилинган маълумотлар билан Ташкилотнинг танишган пайти Ташкилот учун маълумотларга эркин тарзда эга бўлиш имконияти мавжуд бўлган вақт ҳисобланади.
- 14.5. Мазкур Шартномага қўшилган шахсларнинг барчаси киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалардан хабардор бўлиб боришини кафолатлаш мақсадида, Ташкилот ҳар 10 (ўн) календар кунда камида бир марта мустақил тарзда ёки ваколатли шахслар орқали Шартнома ва/ёки Тарифларга киритилган ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар ҳақида маълумотларни олиш учун Банкка мурожаат қиласди.
- 14.6. Шартнома ва/ёки Тарифларга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар Ташкилотни киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳақида дастлаб хабардор қилинган кундан бошлаб 10 (ўн) календар кундан кейин кучга киради.
- 14.7. Агарда Банк томонидан Шартнома ва/ёки Тарифларга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга рози бўлмаган тақдирда, бундай ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар кучга киришидан олдин, муддатидан аввал Шартномани белгиланган тартибда бекор қилишга ҳақли. Ташкилот Банк томонидан Шартнома/Тарифларга киритилаётган ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан 10 (ўн) календар куни ичida хизмат кўрсатувчи Банк филиалига мурожаат қилмаган тақдирда, бу унинг Банк томонидан таклиф этилган ўзгартириш ва/ёки қўшимчаларга рози эканлигини англаади.
- 14.8. Ташкилот, Шартномага қўшилиш тўғрисидаги Ариза Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 361-моддасига мувофиқ “олдиндан розилик” шаклида Банк томонидан кейинчалик киритилган барча ўзгартиришлар ва/ёки қўшимчалар/Тарифларга (шу жумладан, Банк томонидан Шартноманинг янги таҳририда тасдиқлаш) нисбатан қўлланишини тасдиқлайди.
- 14.9. Шартнома бекор қилинганида Картани чиқариш учун тўлов, Амалиётларни қайта ишлаш учун комиссия тўловлари ва Банк Тарифи бўйича бошқа тўловлар Ташкилотга қайтарилимайди.

## **15.ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

- 15.1. Томонлар ушбу Шартноманинг барча шартлари (томонларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари, комиссия миқдори ва тўлаш тартиби ва бошқалар) иккала Томонлар томонидан келишиб олинганлиги ва уларнинг ҳукуқ ва манфаатлари камситилмаганлигини тасдиқлашади. Ташкилот, ўзи томонидан ўз ихтиёрига кўра имзоланган мазкур Шартнома бўйича комиссия ва бошқа тўловлар билан танишиб чиқсан ва рози, мазкур Шартноманинг ҳукукий оқибатлари маълум ва тушунарли ҳисобланади.
- 15.2. Агар мазкур Шартноманинг бир ёки бир неча низом (шарт) лари қонун ёки суд қарори асосида бекор бўлса, бу Шартноманинг бошқа низом (шарт) лари амал қилиш тутатилишига сабаб бўлмайди.
- 15.3. Томонлар Шартнома матни билан танишишган, маъноси аниқ, матни тушунарли, баён этилишда қўлланилган тил бўйича эътиrozлари мавжуд эмас, бу ҳақда унинг имзоланиши тасдиқлайди.

- 15.4. Мазкур Шартнома билан тартибга солинмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ҳал этилади.
- 15.5. Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.
- 15.6. Қуидаги иловалар шартноманинг стандарт шакли бўлиб, ушбу шартномада назарда тутилган ҳолатлар юзага келишига қараб тузилади:
- 15.6.1. Илова №1 – Миллий валютада корпоратив банк карталаридан фойдаланиш бўйича Йўриқнома (шартлари ва хавфсизлик чоралари) (электрон варианти билан [www.ofb.uz/.....сайтида танишиб чиқиш мумкин](http://www.ofb.uz/));
- 15.6.2. Илова №2 - МКСКХ очиш ва сўм корпоратив банк картасини чиқариш учун Ариза намунаси;
- 15.6.3. Илова №3 - МКСКХ ва сўм корпоратив банк картасини ёпиш учун Ариза намунаси;
- 15.6.4. Илова №4 - Юридик шахснинг корпоратив банк картасини қайта чиқариш учун Ариза намунаси;
- 15.6.5. Илова №5 - Корпоратив банк картасининг йўқолганлиги тўғрисида Ариза намунаси;

## Миллий валютада корпоратив банк карталаридан фойдаланиш бүйича Йүриқнома (шартлари ва хавфсизлик чоралари)

### 1. Корпоратив банк картасини олиш тартиби

- 1.1. Банк корпоратив банк картасини банк ходимига шахсини тасдиқловчи ұужжат тақдим этгандан сүнг шахсан карта әгасига ёки ташкилотнинг ишончли шахсига тақдим этади.
- 1.2. Хавфсизлик мақсадида корпоратив банк карта әгаси Банк ускуналари (терминаллари) ёрдамида Карта ПИН-кодини үзгартыриши тавсия этилади. Мазкур ПИН-код Карта әгасини идентификация қилиш ва товар, иш ва хизматлар учун корхоналар билан нақсиз шаклда ҳисоб-китобда карта амалиётларини тасдиқлаш учун фойдаланишда ишлатилади.
- 1.3. Банқда корпоратив банк картасини олишда Сизнинг фамилия ва исмингиз ҳамда унда күрсатилған ташкилот номи түғри күрсатилғанлыгини текшириш лозим. Уларни ёзилишида хатоликларни топсангиз, бу ҳақда Банк ходимига хабар беринг.

### 2. Корпоратив банк картадан фойдаланиш

- 2.1. ПИН-кодни эслаб қолиш, банк картасида ПИН-кодни күрсатмаслик лозим;
- 2.2. Ҳеч қачон, ҳеч қандай шароитда Банк картасини ёки унинг реквизитларини учинчи шахсларга, шу жумладан қариндошларга берманг.
- 2.3. код фақат ташкилот үзи тайинлайдиган корпоратив карта масъул әгасига маълум бўлиши керак ва ПИН код маблағларни хавфсиз сақлаш ва картадаги пул маблағларини бошқа кимсалар ўзлаштиришга йўл қўймаслик учун бегона шахсларга берилмаслиги лозим.
- 2.4. Банк картасини йўқолиши (шу жумладан йўқотилиши,/ўғирланиши) га йўл қўймаслик.
- 2.5. Банк картасини сақлаш ва фойдаланиш шароитларига эътиборли бўлинг. Банк картасини механик, иссиқлик ва электромагнит таъсирлардан эҳтиёт қилинг ҳамда унга нам тушишидан сақланг. Банк картасини мобил телефон, майший ва офис техникалари яқинида сақлаш мумкин эмас.
- 2.6. МСКХ дан пул маблағлари ечилганида қуидагиларни инобатта олиниши керак:
  - МСКХ бўйича амалиёт валютаси мос тушганида амалиёт қиймати акс эттирилиши;
  - Банк картаси билан амалга ошириладиган амалиётлар МКСКХнинг қолдиқ пул маблағлари доирасида йўл қўйилади;
- 2.7. Товар/иш/хизматлар учун тўлов амалга оширилганида Банк картаси әгаси слип (ёки чек) ва унинг барча нусхаларида Банк картаси рақами ҳамда Банк картасидан фойдаланиш билан бўлган амалиёт санаси, қиймати ва валютаси тўғрилигига амин бўлиб Банк картаси (слип) ёки электрон терминал чеки билан ҳужжатни имзолаши керак. Карта әгаси Банк картасидан фойдаланиш билан боғлиқ амалиёт қиймати (суммаси) күрсатилмаган слип(ёки чек)ни имзолашига ҳақли эмас.
- 2.8. Агар банк картаси ёрдамида тўлов ҳаракати "муваффақитсиз" амалиёт содир бўлганида, банк ҳисоби бўйича ҳисботида кўрсатилған амалиёт бўлмаганлыгини кейинчалик текшириш учун терминал томонидан берилган чекнинг бир нусхасини сақлаб қўйиш.
- 2.9. Ахборот алмашиш ва Банк билан ўзаро муносабат амалга ошириш учун бевосита Банқдан олинган ҳужжатларда кўрсатилған реквизит ва алоқа воситаларидангина (мобил ва стационар телефонлар, факслар, веб-сайтлар, оддий ва электрон почта ва бошқалар) фойдаланиш.
- 2.10. Агар Карта әгаси Банк картасини фойдаланиш учун учинчи шахсга берса ёки Карта әгаси унинг реквизитларини учинчи шахсга хабар берса, корпоратив Банк картаси ёки унинг реквизитларидан фойдаланиш билан бўлган амалиётлар бўйича барча ҳаражат

қилингандын пул маблағлари сўзсиз Мижознинг МКСКХсига тегиши бўлади.

2.11. Ҳар қандай тушунмовчилик ёки саволлар пайдо бўлса, телефон орқали Банкка мурожаат қилинг + 998 71 200 88 99 (Call-center). Call-center ходимлари Сиздан турган жойингиз, телефон рақамингиз, Сизнинг Картангиз рақами ва Картадан фойдаланиш бўйича юзага келган муаммолар бўйича маълумотни телефонограмма кўринишида қабул қилиб олишга ҳамда масалаларни ҳал этиш учун Сизга ёрдам беришга тайёр.

### **3. Товар ва хизматларни нақдсиз тўлаш учун корпоратив банк картасидан фойдаланиш тавсиялари**

- Ишонч билдирилмайдиган савдо ва хизмат ташкилотларида корпоратив банк картасидан фойдаланманг.
- Банк картаси билан амалиётларни фақат Сизнинг хузурунгизда амалга оширишларини талаб қилинг. Бу картада кўрсатилган шахсий маълумотларингизни рухсатсиз олиш ҳавфини камайтириш учун зарур.
- Агар банк картаси ёрдамида тўлов ҳаракати "муваффақитсиз" амалиёт содир бўлганида, банк ҳисоби бўйича ҳисботида кўрсатилган амалиёт бўлмаганлигини кейинчалик текшириш учун терминал томонидан берилган чекнинг бир нусхасини сақлаб қўйиш керак.

### **4. Корпоратив банк картасини блоклаш**

4.1. Корпоратив банк картасидан фойдаланилганида ПИН- кодни кетма-кет киритиш учун кўпи билан иккита нотўғри уринишни амалга ошириш мумкин. Банк картасининг ПИН- кодни киритиш учун учинчи нотўғри уринишдан сўнг банк картаси автоматик равишда блокланади. Бундай ҳолатда банк картасини блокдан чиқариш ёки қайта расмийлаштиришга учун ариза бериш учун Сиз Банк картасини берган Банк бўлинмасига мурожаат қилишингиз керак бўлади.

4.2. Банк карта эгасига банк картаси йўқолганлиги ёки банк картасидан рухсатсиз фойдаланганлиги маълум бўлса, бу тўғрисида Банкка хабар беради (Call-center: + 998 71 200-88-99).

4.3. Агар Банк картани йўқолганлиги ёки картадан рухсатсиз фойдаланганлиги тўғрисида хабардор қилинмаса, барча ҳавфлар (таваккалчилик) Карта эгаси томонида бўлади.

4.4. Агар аввал йўқолган (ўғирланган) деб мурожаат қилингандын корпоратив банк картаси топилса, Банк бундан дарҳол хабардор бўлиши керак, бундай Банк картасидан фойдаланиш тақиқланади.

### **5. Корпоратив банк картаси амал қилиш муддати ва қайта чиқариш**

5.1. Банк Карта эгасига 5 календар йил учун Карта чиқаради. Картанинг берилган санаси ва амал қилиш муддати Картада кўрсатилади. Карта берилган кундан бошлаб 5 йилдан сўнг муддати тугаганда, Карта эгаси Банкка янги Банк картасини чиқариб бериш учун мурожаат қилиши керак. Банк картаси Банк картасининг олд томонида кўрсатилган ойнинг ва йилнинг охирги кунигача (ўша кун ҳам киради) амал қиласади.

5.2. Банк картасининг амал қилиш муддати тугагач, у янги рақам ва янги амал қилиш муддати билан қайта чиқарилади, бунда МКСКХ рақами эса аввалги қолдирилади.

5.3. Шуни эсда тутингки, банк картаси Банкнинг мулки ҳисобланади ва Карта эгасига вақтинчалик фойдаланиш учун берилади ва Шартнома муддати якунланганда ёки бекор бўлганда Банкка қайтарилиш лозим.

*к договору присоединения по обслуживанию корпоративных пластиковых карточек в национальной валюте ЧАКБ «ОРИЕНТ ФИНАНС»*

**ЗАЯВЛЕНИЕ**  
**на открытие СКСКС и выпуск сумовой корпоративной банковской карты**

Организация: \_\_\_\_\_  
(наименование организации)

в лице: \_\_\_\_\_  
(должность и Ф.И.О. руководителя организации)

просит открыть сумовую корпоративную банковскую карту.

**РЕКВИЗИТЫ ОРГАНИЗАЦИИ:**

Юридический адрес: \_\_\_\_\_

Почтовый адрес: \_\_\_\_\_

Контактные телефоны: \_\_\_\_\_ E-mail: \_\_\_\_\_

Статус юридического лица:  
 - резидент  - нерезидент

**БАНКОВСКИЕ РЕКВИЗИТЫ:**

Р/с: \_\_\_\_\_

МФО: \_\_\_\_\_

ИНН: \_\_\_\_\_

ОКОНХ: \_\_\_\_\_

Наименование банка: \_\_\_\_\_

Главный бухгалтер: \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О. главного бухгалтера)

**ОТВЕТСТВЕННЫЙ РАБОТНИК ОРГАНИЗАЦИИ ЗА ОСУЩЕСТВЛЕНИЕ ОПЕРАЦИЙ С КАРТОЙ:**

Ф.И.О.: \_\_\_\_\_

Должность: \_\_\_\_\_

Паспортные данные:

Серия: \_\_\_\_\_ Номер: \_\_\_\_\_ Кем выдан: \_\_\_\_\_

Дата выдачи: «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ г.

**КОНТРОЛЬНАЯ ИНФОРМАЦИЯ**

Достоверность содержащихся в настоящем Заявлении сведений подтверждаем.

Согласны с тем, что Банк:

- имеет право проверить содержащиеся в настоящем Заявлении сведения
- может использовать сведения, содержащиеся в настоящем Заявлении, для отправки рекламно-информационных материалов Банка
- оставляет за собой право отказать в выпуске банковской карты без объяснения причины.

**С Тарифом и Правилами использования карт ЧАКБ «ОРИЕНТ ФИНАНС» ознакомлены и обязуемся их выполнять.**

Подпись руководителя  
предприятия: 

М.П.

Дата: 

**СЛУЖЕБНЫЕ ОТМЕТКИ БАНКА**

Код учреждения банка: \_\_\_\_\_

Служебное действие/решение/отметки	Ф.И.О. сотрудника	Подпись
Заявление принял (а)		
Согласовано		
Карта изготовлена и работоспособна. Номер карты указан ниже:		

Номер карты:

\_\_\_\_\_ / \_\_\_\_\_ / \_\_\_\_\_ / \_\_\_\_\_

Номер СКСКС:

2 2 6 2 0 0 0 0 \_\_\_\_\_ / \_\_\_\_\_ / \_\_\_\_\_ / \_\_\_\_\_

Приложение – 3

к договору присоединения по обслуживанию корпоративных пластиковых карточек в национальной валюте ЧАКБ «ОРИЕНТ ФИНАНС»

**ЗАЯВЛЕНИЕ**  
на закрытие ССКС и корпоративной банковской карты

**От владельца банковской карты:**

Организация:

(наименование организации)

Номер карточки:

Номер СККС: **2 2 6 2 0**

Просим закрыть наш ССКС, а также сумовую корпоративную банковскую карту, номер которой указан выше. При этом возврат средств, находящихся на ССКС, прошу осуществить следующим образом:

перечислить на счет №:

наименование банка: \_\_\_\_\_

МФО банка: \_\_\_\_\_

В случае возникновения задолженности по карточке, вызванной вследствие задержек транзакций, совершенных ранее с помощью указанной выше банковской карты, обязуюсь выплатить необходимую сумму.

**РЕКВИЗИТЫ ОРГАНИЗАЦИИ:**

Юридический адрес: \_\_\_\_\_

Контактные телефоны: \_\_\_\_\_

E-mail: \_\_\_\_\_

Статус предприятия:  - резидент  - нерезидент

**БАНКОВСКИЕ РЕКВИЗИТЫ:**

P/c: \_\_\_\_\_

МФО: \_\_\_\_\_

ИНН: \_\_\_\_\_

ОКОНХ: \_\_\_\_\_

Наименование банка: \_\_\_\_\_

Подпись руководителя  
предприятия: 

М.П.

Дата: 

**СЛУЖЕБНЫЕ ОТМЕТКИ БАНКА**

Код учреждения банка: \_\_\_\_\_

Служебное действие/решение/отметки	Ф.И.О. сотрудника	Подпись
Заявление принял (ла):		
Произведена капитализация:		
ССКС заблокирован:		
ССКС закрыт:		

**СПРАВКА  
о принятии банковской карты на закрытие/перевыпуск**

Номер карты:

принадлежащая:

(наименование организации)

была принята от владельца

день              месяц              год

в час              мину

с целью закрытия ССКС

наименование отделения банка: \_\_\_\_\_

Ф.И.О. и должность  
работника банка



**ЗАЯВЛЕНИЕ**  
на перевыпуск корпоративной банковской карты юридического лица

**От владельца банковской карты:**

Организация: \_\_\_\_\_

Номер старой карточки: 


 (наименование организации)

Просим перевыпустить на наше имя банковскую карту в связи с причинами, указанными ниже. Подтверждаем достоверность и полноту предоставляемой ниже информации и уполномочиваем вас осуществлять все необходимые запросы.

**ПРИЧИНА ПЕРЕВЫПУСКА КАРТОЧКИ:**

- истечение срока действия карточки  
 техническая неисправность: \_\_\_\_\_

В случае обнаружения технической неисправности, вызванной вследствие неправильного нашего обращения с банковской картой, обязуемся уплатить установленный Тарифом Банка штраф.

**РЕКВИЗИТЫ ОРГАНИЗАЦИИ:**

Юридический адрес: \_\_\_\_\_

Почтовый адрес: \_\_\_\_\_

Контактные телефоны: \_\_\_\_\_ E-mail: \_\_\_\_\_

Статус предприятия:  - резидент  - нерезидент

**БАНКОВСКИЕ РЕКВИЗИТЫ:**

Р/с: \_\_\_\_\_

МФО: \_\_\_\_\_

ИНН: \_\_\_\_\_

ОКОНХ: \_\_\_\_\_

Наименование банка: \_\_\_\_\_

Главный бухгалтер: \_\_\_\_\_ (Ф.И.О. главного бухгалтера)

**ОТВЕТСТВЕННЫЙ РАБОТНИК ОРГАНИЗАЦИИ ЗА ОСУЩЕСТВЛЕНИЕ ОПЕРАЦИЙ С КАРТОЙ:**

Ф.И.О.: \_\_\_\_\_

Должность: \_\_\_\_\_

Паспортные данные:

Серия: \_\_\_\_\_ Номер: \_\_\_\_\_ Кем выдан: \_\_\_\_\_

Дата выдачи: « \_\_\_\_ » \_\_\_\_ г.

**КОНТРОЛЬНАЯ ИНФОРМАЦИЯ**

Достоверность содержащихся в настоящем Заявлении сведений подтверждаем.

Согласны с тем, что Банк:

- имеет право проверить содержащиеся в настоящем Заявлении сведения
- может использовать сведения, содержащиеся в настоящем Заявлении, для отправки рекламно-информационных материалов Банка
- оставляет за собой право отказать в выпуске банковской карты без объяснения причины.

С Тарифом и Правилами использования карт ЧАКБ «ОРИЕНТ ФИНАНС» ознакомлены и обязуемся их выполнять.

Подпись руководителя  
предприятия: 

М.П.

Дата: 

Код учреждения банка: \_\_\_\_\_

Служебное действие/решение/отметки	Ф.И.О. сотрудника	Подпись
Заявление принял (а), старая карта у Владельца изъята		
Согласовано		
Карта изготовлена и работоспособна. Номер карты указан ниже:		

Номер новой карты: 





к договору присоединения по обслуживанию корпоративных пластиковых карточек в национальной валюте ЧАКБ «ОРИЕНТ ФИНАНС»

**ЗАЯВЛЕНИЕ**  
об утере корпоративной банковской карты

**От владельца банковской карты:**

Организация \_\_\_\_\_

**Настоящим заявляю об утере банковской карты, выпущенной банком на мое имя.**

Номер карточки (если помните):


**Просим выпустить на имя нашей организации новую карту. С условиями выпуска новой карты ознакомлены, обязуемся уплатить Банку, установленный Тарифом Банка штраф за выпуск новой карты взамен утерянной.**

**РЕКВИЗИТЫ ПРЕДПРИЯТИЯ:**

Юридический адрес:

\_\_\_\_\_

Почтовый адрес:

\_\_\_\_\_

Контактные телефоны:

E-mail:

Статус предприятия:

- резидент  - нерезидент

**БАНКОВСКИЕ РЕКВИЗИТЫ:**

Р/с: \_\_\_\_\_

МФО: \_\_\_\_\_

ИНН:

ОКОНХ:

Наименование банка:

\_\_\_\_\_

Главный бухгалтер:

\_\_\_\_\_

**ОТВЕТСТВЕННЫЙ РАБОТНИК ЗА ОСУЩЕСТВЛЕНИЕ ОПЕРАЦИЙ С КАРТОЙ:**

Ф.И.О.

\_\_\_\_\_

Должность:

\_\_\_\_\_

Паспортные данные:

Серия: \_\_\_\_\_ Номер: \_\_\_\_\_ Кем выдан: \_\_\_\_\_

Дата выдачи: « \_\_\_\_ » \_\_\_\_ г.

**КОНТРОЛЬНАЯ ИНФОРМАЦИЯ**

Достоверность содержащихся в настоящем Заявлении сведений подтверждаем.

Согласны с тем, что Банк:

- имеет право проверять содержащиеся в настоящем Заявлении сведения
- может использовать сведения, содержащиеся в настоящем Заявлении, для отправки рекламно-информационных материалов Банка
- оставляет за собой право отказать в выпуске банковской карты без объяснения причины.

С Тарифом и Правилами использования карт ЧАКБ «ОРИЕНТ ФИНАНС» ознакомлены и обязуемся их выполнять.

Подпись руководителя  
предприятия:



М.П.

Дата:



**СЛУЖЕБНЫЕ ОТМЕТКИ БАНКА**

Код учреждения банка:

Служебное действие/решение/отметки	Ф.И.О. сотрудника	Подпись
Заявление принял (а), старая карта у Владельца изъята (в случае истечения срока действия и технической неисправности карты)		
Согласовано		
Карта изготовлена и работоспособна. Номер карты указан ниже:		

Номер новой карты:
